

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани
хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш
инспекцияси томонидан

ТАСДИҚЛАНГАН

«ТО'УТЕРА METALL
QURILMALARI» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг умумий йиғилиши
баённомаси асосида

«10» Октябр 2014 йил



«26» Сентябрь 2014 йил

№ 29

№ 6



**«ТО'УТЕРА METALL QURILMALARI»
AKTSIYADORLIK JAMIYATINING**

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Ўртачирчиқ тумани – 2014 йил

1-модда. Умумий қондалар

«ТО'УТЕРА METALL QURILMALARI» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида Жамият деб номланади) «Тойтепинский завод металлоконструкций» жамоа корхонасини қайта ташкил этиш натижасида таъсис этилган ва унинг олган мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2-модда. Жамиятнинг фирма номи, жойлашган ери ва почта манзили

2.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:
«ТО'УТЕРА METALL QURILMALARI» aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:
«ТО'УТЕРА METALL QURILMALARI» AJ

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:
Акционерное общество «УЙТЕПА МЕТАЛЛ КУРИЛМАЛАРИ».

Жамиятнинг рус тилида қисқартирилган фирма номи:
АО «УЙТЕПА МЕТАЛЛ КУРИЛМАЛАРИ».

Жамиятнинг инглиз тилда тўлиқ фирма номи:
Joint-Stock Company «TOYTERA METALL QURILMALARI»;

Жамиятнинг инглиз тилда қисқартирилган фирма номи:
JSC «TOYTERA METALL QURILMALARI»

2.2. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили:
Индекс 111519 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Янгиҳаёт кўрғони.

2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: oaoatmk_pri@mail.ru

2.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти: http://oaoatmk.com

3-модда. Жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у Ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эгадир. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

3.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб рақамларни очишга ҳақлидир.

3.5. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, Ўз тимсоллига шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақлидир.

4-модда. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

4.1. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав талабларига амал қилади.

4.3. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамиятнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

4.2. Жамият фаолиятининг асосий мақсади куйидагилардан иборат:

аҳолининг иктисодий, маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш, халқ хўжалигида илгор технологиялар, бозор иктисодиёти ютуқлари ва имтиёзлари жорий қилиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасида иктисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда акциядорларнинг манфаатлари учун фойда олиш;

пулатли металл қурилмаларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш.

4.4. Жамият асосий фаолият турларидан ташқари ўз фаолият муддати давомида ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятининг куйидаги турлари билан шуғулланишга ҳақлидир:

пулатли қурилиш металл қурилмаларини, ностандарт дастгоҳларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

металқурилмаларни йиғиш бўйича сервис хизматларни кўрсатиш, барча турдаги қурилиш – монтаж ишларни, кўчмас мулк объектларини ва темир йўллارни қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

қурилаётган ижтимоий – маиший ва ишлаб чиқариш ҳамда техник объектларни темир бетон қурилиш материаллари ва жиҳозлар билан бутлаш ва таъмирлаш;

саноат корхоналар, савдо умумий овқатланиш, уй-жой, ижтимоий-маданий, маиший ва коммунал соҳаларда муассасаларни қайта қуриш ва техникавий қайта жиҳозлаш;

илмий-текшириш ва лойиҳа-топиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, бир шахсга хос ва намунали лойиҳаларини сошлаш, ишлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш, нуҳасиз жиҳозлар чизмаларини тузиш ва ташкил қилиш, ишлаб чиқариш;

энг янги технологиялар ва материаллар, патентлар, рухсатномалар, технологиялар, “ноу-хау”ни яратиш, тузиш, эгаллаш, жорий қилиш ва сотиш, иновациялик фаолияти, маиший ва саноат чиқиндиларини чикитсиз қайта ишлаш учун технологияларини тузиш, жиҳозини ишлаб чиқариш ва монтаж қилиш, маиший ва саноат чиқиндиларини чикитсиз қайта ишлашини амалга ошириш;

халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва техникавий вазифасининг маҳсулотлари, хом-ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш, пардозлаш ва қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, етказиб бериш ва сотиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташки иктисодий фаолият, шу жумладан хом ашёни, материалларни, маҳсулотларни, молларни, ишларини ва хизматларнинг экспорт ва импорт бўйича операциялар қилиш, савдо-воситачилик операциялари ўтказиш;

молиявий ва мулкый лизинг, бинолар, уйлар, жиҳоз, мулкни фойдаланишга ёки ижарага бериш ва олиш;


Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

4.5. Маҳсулот рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

Жамият куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.6. Жамият шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

4.7. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар беришга ҳақлидир.



4.8. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қонуида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақалари очишга ҳақлидир.

4.9. Жамият қорхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг ҳўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблаглари билан, шу жумладан улуш қўпиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4.10. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

4.11. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

4.12. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият Бошқарув раиси томонидан белгиланади.

4.13. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

4.14. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

4.15. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

4.16. Агар Жамиятнинг банкротлиги Жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгарлик юклатилиши мумкин.

4.17. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

5-модда. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

5.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди ва 1 217 227 000 (бир миллиард икки юз ўн етти миллион икки юз йигирма етти минг) сўмини ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 1 217 277 (бир миллион икки юз ўн етти минг икки юз йигирма етти) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

6-модда. Жамият акцияларнинг сони, номинал қиймат, турлари

6.1. Жамият томонидан 1 217 277 (бир миллион икки юз ўн етти минг икки юз йигирма етти) дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Жамиятнинг акциялар оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вақили орқали

фойдаланади.

6.3. Жамият номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган оддий акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир.

6.4. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи булиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йигилишларида ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

7-модда. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайитириш

7.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал кийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал кийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

7.3. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) эълон қилинган қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

7.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) эълон қилинган қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.


7.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) эълон қилинган қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган эълон қилинган қўшимча акцияларнинг номинал киймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

7.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган эълон қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал кийматини ошириш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

7.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал кийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

7.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) эълон қилинган қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан эълон қилинган қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, аynи ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал кийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг



устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.11. Жамиятнинг устав фондини камайитириш устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайитириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайитирилиши мумкин.

7.12. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайитиришга йўл қўйилади.

7.13. Агар Устав фондини камайитириш натижасида унинг миқдори Жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган Жамият Устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайитиришга ҳақли эмас.

7.14. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.15. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайитириш сабабларини кўрсатади ва уни камайитириш тартибини белгилайди.

7.16. Устав фондини камайитириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутилмаган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

7.17. Устав фондини камайитириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб, Жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор ҳусусида уз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг Устав фондини камайитириш тўғрисида узларига хабарнома юборилган санадан эътиборан, кечи билан 30 кун ичида Жамиятдан уз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав фонди камайитирилиши билан боғлиқ зарарнинг туланишини талаб қилишга ҳақли.

8-модда. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари.

8.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши; Кузатув кенгаши; ва ижроия органи (Бошқарув) Жамиятнинг бошқарув органларидир.


8.2. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.3. Акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

8.4. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият бошқаруви билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

8.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши утказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш утказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини утказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга



берилган материаллар (ахборотлар) рўхатини Жамиятнинг Кузатув кенгаши белгилайди.

8.7 Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига куйилаётган қиради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

- акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига масалалар Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши куйидаги масалалар бундан мустасно:



- Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбашланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қамматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

✓ - Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. —

- мазкур Жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

8.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

8.10. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.11. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

8.12. **Жамиятнинг Кузатув кенгаши.** Жамиятнинг кузатув кенгаши 5 кишидан иборат бўлиб, Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Қонун ва мазкур устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

8.13. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун



Жамият ишқардорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишини ҳал қилиши учун киритиш;

- шўба-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга маъқуллашган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўба ва тобе ҳўжалик Жамиятларини ташкил этиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

- акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки мазкур уставига кўра қуйидагилар Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиш:

- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, Жамият уставига Жамият устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно;


- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қўғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбўшланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қўғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг бошқарув раиси лавозимига қуйилган номзодларни урганиб чиқиш ва умумий йиғилиш муҳокамасига тавсия этиш, бошқарув раисининг



ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамиятнинг бошқарув раисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

8.14. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам қиритилиши мумкин.

8.15. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

8.16. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

8.17. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

8.18. Жамият бошқарувининг аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

8.19. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган "Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом"да белгилаб қўйилади.

8.20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

8.21. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим булган шахслар сонига қулайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тулик, беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ, номзодлар уртасида тақсимлашга ҳақлидир.

8.22. Энг қўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг узлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан қўпчилик овоз билан сайланади.

8.24. Жамият Кузатув кенгаши уз раисини жами аъзоларининг қўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.25. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома қиритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

8.26. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ булган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

8.27. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракла камида бир марта чакирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига қўра чакирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтиш комиссиясининг;
- Жамият бошқарувининг;
- ички аудит хизмати бошлигининг;
- амалдаги қўнунчиликда ва мазкур Уставда қўрсатилган бошқа ҳолларда.

8.28. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қўнуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир булганларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа



азосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози хал этувчи ҳисобланади.

8.29. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлиги Жамиятнинг Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Бошқаруви 7 кишидан иборат бўлиб, ҳар йили қайта сайланади.

8.30. Жамиятнинг бошқаруви Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Устав, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

8.31. Жамиятнинг бошқаруви акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

8.32. Жамиятнинг Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган тартибда сайланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Кузатув кенгаши билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

8.33. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси тузадилар.

8.34. Жамият бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.35. Жамият бошқаруви акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

8.36. Жамият бошқаруви Жамият Устави ва “Жамият Бошқаруви тугрисида” ги Низом асосида иш олиб боради.

8.37. Жамият бошқаруви раисининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- Жамият миждозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;

- Жамиятнинг ходимлар штатини белгилайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг узаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

- Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада



кўрсатилган микдорларда фойда олишни таъминлайди;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилади;

- Жамиятнинг фаолиятида конун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

- Амалдаги конунчиликка мувофиқ, Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- Жамиятнинг молия-ҳужалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса.

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар руйхати Жамият Бошқарув раиси томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини аўради;

- Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;

- Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчиликка ва бошқа конун ости ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

8.38. Жамият бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кузлаб иш тутиши лозим.

8.39. Жамият бошқаруви конун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият маъмуриятининг жавобгардир.

9-модда. Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби

9.1. Жамият соф фойда ҳисобидан қуйидаги фондларни ташкил этади:

- Захира Фондини;

- Иштирок чикаришни ривожлантириш фонди;


- Моддий рағбатлантириш фонди;

- Ижтимоий ривожлантириш фонди;

- Акциядорларнинг Умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни тузади.

9.2. Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, Жамият маъмуриятларини муомаладан чикариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар фонди ва Конунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқлари ва бошқа акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун қўрилган.

9.3. Жамият Устав фондининг 15 (ун беш) фоизи микдорда Жамият захира



фонди тузилади.

9.4. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 9.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорда ажратмалар ўтказилади.

9.5. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

9.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, мажбурий ажратмалардан тикланилади.

9.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

10-модда. Дивидендларни тўлаш

10.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

11-модда. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

11.1. Жамиятнинг молия-ҳужалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат бўлиб, ҳар йили қайта сайланади.

11.2. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади.

11.3. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва Жамият устави билан белгиланади.

11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

11.6. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.


11.7. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатов кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.8. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатов кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатов кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

11.9 Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ҳулоса тузади, бу ҳулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби



бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.10. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.11. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг ўз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган шартлари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятнинг бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

11.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

11.12. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

11.13. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида etkazilgan зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

12-модда. Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисоботи

12.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

12.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига Жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида бўлади.

12.3. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансдаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

12.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин Жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки акциядорлар билан мулкый манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши лозим.

12.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан қамида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

12.6. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
Тошкент вилояти Ўртачирчик тумани
хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш
инспекцияси томонидан

« 15 » Июль 2015 й.

№ 29



« ТАСДИҚЛАНГАН »
«То'ytepa metall qurilmalari»
акциядорлик жамияти
акциядорларининг умумий йиғилиши
баённомаси асосида

« 26 » июн 2015 й.



«То'ytepa metall qurilmalari» акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 26.04.2014 йилда тасдиқланган, Тошкент вилояти Ўртачирчик тумани хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 29 сон билан 10.10.2014 йилда рўйхатга олинган уставига куйидаги ўзгартиришлар киритилди.

Олдинги тахрирда	Янги тахрирда
уставнинг 8 моддаси 8.4 банди	
<p>Акциядорларнинг умумий хисобот йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият бошқаруви билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.</p>	<p>Акциядорларнинг умумий хисобот йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади. Жамиятнинг ижроя органи раҳбари конкурс асосида танлаб олинади, шунингдек ушбу лавозимга чет эллик менежерлар ҳам жалб қилиниши мумкин.</p>
уставнинг 8 моддаси 8.29 банди	
<p>Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлиги Жамиятнинг Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Бошқаруви 7 кишидан иборат бўлиб, ҳар йили қайта сайланади.</p>	<p>Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлиги Жамиятнинг Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Бошқаруви 5 кишидан иборат бўлиб, бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосаридан ташкил топади. Жамият бошқаруви аъзолари ўз хизмат лавозимларидан озод этилган тақдирда, унинг ўрнига тайинланган ходим, бошқарув аъзоси вазифасини тасдиқлангунга қадар бажариб туради.</p>

Эслатма: «То'ytepa metall qurilmalari» АЖ акциядорларининг « 26 » июн 2015 йилдаги умумий йиғилишида, жамият уставига юқорида баён этилганлардан ташқари ўзгартиришлар киритилмаган.